

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**ДУСМАТОВ БЕГМУҲАММАД ОЛИМЖОНОВИЧ**

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА  
АГРОСАНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ИННОВАЦИОН  
ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3. PhD/Iq1684 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (реюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sies.uz](http://www.sies.uz)) ва "Ziynet" Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Қодиров Абдуришид Мажидович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Эгамбердиев Фароққул Турсунқулович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  Рустямова Проти Гадрамжоновна иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Қишлоқ вужудини ва оқиқотик соҳяси иқтисодиёт илмий ташкилот институти

Диссертация химояси Тошкент ирригация ва қишлоқ вужудини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи (25.03/30.01.2020 I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» апрел санаги» йили мажлисида бўлиб утади. (Манзил 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Низомий кучаси, 39-уй, Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz))

Диссертацияси билан Тошкент ирригация ва қишлоқ вужудини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишнинг мумкин рақами билан рўйхатга олинган. (Манзил 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Низомий кучаси, 39-уй, Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил «16» кун тарқатилди. (2021 йил «16» апрел даги рақамли реестрбаённомаси).



У.П.Умурзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Ф.Султанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., кат.и.х.

Н.С.Хунматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон озиқ-овқатлар бозорининг ривожланиши, илғор замонавий ишлаб чиқариш технологиялари, шу жумладан агросаноат соҳасининг барқарор ривожланишини мажбурий шартларидан бири – инновацион инфратузилмани ривожлантиришни талаб этади. Шу боис ҳудудий агросаноат ишлаб чиқариши инновацион стратегиясини шакллантириш ва унга мос инфратузилмани такомиллаштириш асосий вазифалардан саналади. Чунки шу йўл билан замонавий технологик базани яратиш, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, шунингдек халқаро рақобатбардошликни кучайтириш имконияти яратилади.

Глобал иқлимнинг ўзгариши иқтисодий тармоқлари, хусусан аграр соҳа ишлаб чиқаришини доимо ўзгараётган ташқи муҳитга мослаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Айниқса, “... дунё миқёсида содир бўлаётган коронавирус пандемияси шароитида миллий иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш учун табиий ресурс, саноат ва инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланишни талаб қилмоқда”<sup>1</sup>. Бу борада агросаноат корхоналарини инновацион ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, агросаноат тармоқларида юқори технологияларни мужассамлаштирган ҳолда янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш асосида соҳани рақобатбардошлигини ошириш глобал кўламда долзарб вазифа сифатида юзага чиқди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини самарали ривожлантиришнинг ҳозирги шароитида агросаноат ишлаб чиқаришининг рақобатбардошлиги ва барқарорлиги таъминлаш, инновацион инфратузилмаларни ривожлантириш каби масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда. “...Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш”<sup>2</sup> соҳанинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилган. Бу борада аграр соҳа самарадорлигини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш, кластер тизими доирасида иқтисодий муносабатларни самарали ташкил қилиш, инфратузилма субъектлари ўртасидаги ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш ва прогноз параметрларининг инерцион, модернизация ва инновацион омилларни эътиборга олган ҳолда асослаш йўналишида илмий-тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли Фармони.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси кишлок хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5978-сон “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон “Иқтисодиёт соҳаси ва тармоқларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий, ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мавзуга оид турли муаммоларнинг ечимини излашга жаҳон олимларидан ўз вақтида И.Шумпетер, Б.Санто, П.Уайт, М.Пойсик, Л.Гибсон, М.Портер, И.Санду, С.Snow, P.N.Cooke, M.Heidenreich, H-J.Braczyk, E.Muller, A.Zenker, P.Windrum, M.Tomlinson<sup>3</sup> ва бошқалар алоҳида эътибор қаратишган.

Мамлакатимиз олимларидан К.Абдурахмонов, С.Ғуломов, А.Қодиров, Б.Салимов, М.Махкамова, И.Искандаров, Ў.Умурзоқов, М.Мухамедов, И.Тухлиев, М.Пардаев, У.Умурзоқов, Қ.Мирзаев, И. Рустамова, Т.Фармонов, К.Чориев, Ф.Эгамбердиев, Я.Алиев, А.Абруев<sup>4</sup> ва бошқалар изланишлар олиб

<sup>3</sup> Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1982.; Miles. R.E., Snow C.C Organization strategy, Structure and Process, McGraw-Hill, 1978; Cooke P.N., Heidenreich M., Braczyk H-J. Regional Innovation Systems: The Role of Governances in a Globalized World. N.Y.: Routledge, 2004; Хаксевер, К. Управление и организация в сфере услуг. / К.Хаксевер, Б. Рендер, Р. Рассел, Р. Мердик. – СПб.: Питер, 2002. – 752 с.; Muller E., Zenker A. Analysis of Innovation-oriented Networking between R&D Intensive Small Firms and Knowledge-Intensive Business Services: Empirical Evidence from France and Germany. Proceedings of the High-Technology Small Firm Conference. 4–5 June 1998. Univ. of Twente (the Netherlands). p. 175–203.; Windrum P., Tomlinson M. Knowledge-Intensive Services and International Competitiveness: A Four Country Comparison. Technology Analysis and Strategic Management, vol. 11. – № 3. – September 1999. – p. 391–408.

<sup>4</sup> Умурзоқов Ў.П. Повышение эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора экономики Узбекистана. – Т.: Фан, 2006. 216 с.; Қодиров А., Абдуллаев Р. Қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси ва унинг Ўзбекистон шароитига мослаштириш. – Т.: 2007. – 208 б.; Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях Республики Узбекистан. авт... дисс. д.э.н., Т.: 2004 г. С. 45; Кўччиев У.М. Чорвачилик хўжалиқларига хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш. авт... и.ф.д. Т.: 2020, 82 б.; Рустамов И.Б. Аграр соҳада инновацион жараёнлар самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асослари. авт. ... и.ф.д. Т.: 2020. – 77 б.; Алиев Я. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш. авт. ... и.ф.д. Т.: 2018, – 80 б.; Абруев А. Агросервисни ривожлантириш асосида қорамолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш. авт. ... и.ф.д. Т.: 2018, 51 б.

борганлар.

Бу олимлар томонидан агросаноат корхоналарининг барқарор ривожланишининг кўпгина категория ва тушунчалари, шунингдек уларнинг механизмлари тадқиқ этилган, уларнинг таркибий қисмларини бир-бирига таъсири, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини модернизациялашнинг ҳозирги замон босқичидаги хусусиятлари ўрганилган.

Аммо агросаноат ишлаб чиқаришининг инновацион ривожланиши ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани шакллантириш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқотларни чуқурлаштириш талаб этилмоқда. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида агросаноат ишлаб чиқаришининг инновацион хизматлар инфратузилмасини ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш муҳимлиги мазкур мавзунини танлаш имкониятини берди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг “Иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2016-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** иқтисодиётни модернизациялаш шароитида агросаноат ишлаб чиқаришнинг инновацион инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган илмий-услубий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

агросаноат ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини кучайтиришни ҳисобга олган ҳолда унинг инновацион инфратузилмасини ривожлантириш;

Самарқанд вилояти агросаноат мажмуасининг ривожланиш ҳолати ва динамикасини таҳлил қилиш, унинг минтақа иқтисодиёт ривожланишидаги улушини баҳолаш;

агросаноат ишлаб чиқаришининг инновацион инфратузилмасини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини асослаб бериш;

инновацион инфратузилманинг институционал механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини баҳолаш услубини асослаб бериш;

агросаноат мажмуасида кластер механизмининг ривожлантиришнинг самарали йўналишларини белгилаш ва унинг инновацион инфратузилма билан боғлиқлигини ўрганиш;

Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ўрта ва узок муддатли прогноз параметрларини ишлаб чиқиш;

минтақада агросаноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларининг инновацион фаолиятини такомиллаштиришда унга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Самарқанд вилояти агросаноат ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи хўжалик юритиш субъектлари ва уларнинг инновацион инфратузилмасини ташкил қилувчи корхоналар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** агросаноат ишлаб чиқаришининг инновацион инфратузилмасини ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалиги тармоқлари рақобатбардошлигини ошириш ва истиқболларини белгилаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда иқтисодий-математик моделлаштириш, тизимли ва қиёсий таҳлил, SWOT-таҳлил, монографик тадқиқотлар, ижтимоий сўровлар, статистик гуруҳлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

агросаноат ишлаб чиқаришида инновацион инфратузилмани ривожлантиришнинг комплекс ва ягона маълумотлар базасини шакллантиришга қаратилган ҳудудий ахборот-таҳлилий ва маркетинг портали (маркетингнинг интеграциялашган тизимидан фойдаланиш)ни лойиҳалаштириш ва ахборот хизматлари самарадорлигини баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

агросаноат ишлаб чиқаришни рақобатбардошлигини оширишда инновацион инфратузилма субъектлари ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни такомиллаштиришнинг ташкилий (Business Innovation – маркетинг тадқиқотлари бўйича маслаҳат хизматлари, ҳамкорлик ва молиялаштириш бўйича консалтинг хизматлари) ва иқтисодий (кластер, кооператив ҳамкорлик, аутсорсинг ва бошқалар) механизмлари ишлаб чиқилган;

Самарқанд вилояти агросаноат ишлаб чиқаришида хўжалик юритувчи ва уларга инновацион хизмат кўрсатувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни кластер тизими доирасида самарали амалга ошириш имконини берувчи инновацияларни тижоратлаштириш институтларини ривожлантириш (diffusion of innovation) ва технологиялар трансферти (Technologie transfer und Innovations management) марказларини ташкил қилиш асосланган;

Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ўрта ва узок муддатли прогноз параметрларининг инерцион, модернизация қилиш ва инновацион вариантлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

агросаноат ишлаб чиқариши корхоналарида инновацион инфратузилмасини ривожлантиришни стратегик йўналишлари ишлаб чиқилган;

Самарқанд вилоятининг агросаноат мажмуаси ривожланиш тенденцияси, минтақанинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти очиқ берилган;

агросаноат ишлаб чиқариши корхоналарида инновацион инфратузилмани ривожлантиришда кластер механизмининг тутган ўрни ва аҳамияти асослаб берилган;

Самарқанд вилоятининг саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларининг инновацион инфратузилмасини ривожлантиришнинг асосий муаммолари аниқланган, уларнинг ечимига оид илмий-амалий таклифлар ва тавсиялар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** фойдаланилган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари, Тошкент давлат иқтисодиёт универ-

ситети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази материалларига асослангани, бевосита ўрганилаётган агросаноат мажмуасида кузатув ишлари билан мустақамланганлиги ҳамда хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти агросаноат ишлаб чиқаришида инновацион инфратузилмани ривожлантиришда тизимли иқтисодий усуллар ёрдамида тадқиқ этишда, илмий-услубий ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланилиши ҳамда агросаноат ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини кучайтиришни ҳисобга олган ҳолда унинг инновацион инфратузилмаси стратегик ривожланишини шакллантириш ва механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини баҳолаш услубини ишлаб чиқилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулоса ва тавсиялардан Самарқанд вилоятида агросаноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини ихтисослаштириш, инновацион инфратузилмаси ривожланиши, мақсадли дастурларини ишлаб чиқишга ёрдам бериши ҳамда “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Инновацион иқтисодиёт” каби фанлар бўйича ўқув дастурлари ва қўлланмаларини тайёрлаш, махсус курсларни ўқитиш ва такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Самарқанд вилоятида агросаноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларининг инновацион ривожланиши ва унинг хизматлар инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар асосида:

агросаноат ишлаб чиқаришида инновацион инфратузилмани ривожлантиришнинг комплекс ва ягона маълумотлар базасини шакллантиришга қаратилган ҳудудий ахборот-таҳлилий ва маркетинг порталини лойиҳалаштириш ва ахборот хизматлари самарадорлигини баҳолаш усулини такомиллаштириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари фаолиятида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 январдаги 05/011-267-сон маълумотномаси). Натижада минтақада тармоқ ривожланиш прогнозларига ва маълумотларни йиғиш технологияси, қайта ишлаш, таҳлил ва статистикани тарқатилиши, ички ва ташқи бозорлар ҳақидаги маълумотларга, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва экспортёрлар ҳақида маълумотлар базасини яратиш, шу жумладан институционал ўзгаришлар ҳақида консалтинг хизматларини ташкил қилиш имконини берган.

Самарқанд вилояти агросаноат ишлаб чиқаришида хўжалик юритувчи ва уларга инновацион хизмат кўрсатувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни кластер тизими доирасида самарали амалга ошириш имконини берувчи институционал механизмларни такомиллаштириш бўйича амалий таклифлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари фаолиятида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Респуб-

ликаси Қишлоқ хўжалиги 2020 йил 24 январдаги 05/011-267-сон маълумотномаси). Ушбу орқали кластерларни ривожланиши натижасида инновацион хизматлар жараёнида қатнашувчиларнинг синергик самарадорлигини ўсишига ва кўрсатилаётган хизматлар нархини 22 фоизга камайишига олиб келган;

агросаноат ишлаб чиқаришида инновацион инфратузилмани ривожлантиришнинг технологиялар трансфери соҳасида хизматлар, ахборот ва таҳлилий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш, олий ва касб-хунар таълими тизимини модернизация қилиш доирасида таълим хизматлари бозорини ривожлантиришга асосланган стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги илмий муассасалар фаолиятида жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 февраль 89-03-418-сон маълумотномаси). Натижада олий ва касб-хунар таълими тизимини модернизация қилиш доирасида замонавий агробизнес курслари ва ташкил этилган коворкинг марказида 12 та янги иш ўринлари яратилган.

Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг сценарий ёндашув асосида ишлаб чиқилган ўрта ва узоқ муддатли истиқболлари бўйича илмий-амалий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари фаолиятида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 январдаги 05/011-267-сон маълумотномаси). Прогнозларнинг амалга оширилиши натижасида Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳажми инновацион ривожланиш сценарийси бўйича ўрта ва узоқ истиқбол йилларида 1,5 ва 2,5 баробарга ошиши башорат қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур ишнинг тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган журналларда 7 та мақола, шундан 1 таси хорижий 6 таси республика журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 141 бетни ташкил этади.

## АСОСИЙ ҚИСМ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари берилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.



**“Миллий иқтисодийни модернизациялаш шароитида агросаноат ишлаб чиқаришини инновацион инфратузилмасини ривожлантиришнинг илмий-услубий асослари”** мавзусидаги биринчи бобида инновацион ривожланиш ва минтақавий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини оширишнинг илмий-услубий асослари баён қилинган, минтақаларда инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий шартлари ва айниқса агросаноат ишлаб чиқаришидаги инновацион инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари белгилаб берилган.

“Янги иқтисодий”нинг жадал ривожланиши, капитал бозорлари ва янги технологияларнинг ўзаро алоқалари ўсиб бориши, янги технологияларнинг ҳаракатланиш даражасини кучайтириш, билим, техника, маҳсулотлар, хизматларни яратиш ва улардан фойдаланишнинг кенг қўламлилиги инновацион тизимларнинг инфратузилмаси мамлакатларнинг рақобатбардош ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилишини шартлаб берди.<sup>5</sup>

Ишда олиб борилган таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, аграр соҳани ривожланишининг замонавий жаҳон тенденциялари ва бу жараёнларда инновацион фаолиятнинг моҳияти узок муддатли истиқболда рақобатбардошликни асосий омилларини белгилайди:

аграр соҳани қамраб олувчи инновацион жараёнлар, авваламбор, рақамли технологияларнинг сўнгги ютуқларидан фойдаланишни жадаллаштириш;

агросаноат соҳасига 70-80-йилларда ривожланган мамлакатларда моддий ишлаб чиқаришни кенг миқёсли таркибий ва технологик қайта қуриш кўп қиррали таъсир кўрсатди (саноат моделидан инновацион моделга ўтиш);

агросаноат соҳасини ривожланиши ижтимоий омилларга таъсир кўрсатиши (давлат харажатларини фан, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар ва бошқаларга сарфлашни кўпайиши)<sup>6</sup>.


Инновацион фаолиятни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш воситалари тизимини шакллантириш мувофиқ институционал базани яратиш, шунингдек, минтақа иқтисодийни қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат сиёсатини жорий қилишда кўмаклашувчи инфратузилмаларни шакллантириш йўли билан амалга оширилади<sup>7</sup>. Худуддаги агросаноат ишлаб чиқаришида инновацион инфратузилманинг ривожланиш даражаси ва самарали фаолият юритиши кўп жиҳатдан зарур инфратузилманинг яратилганлиги билан боғлиқ. Тадқиқотда инновацион инфратузилма деганда инновация маҳсулотлар ва хизматлар бозорини тўлақонли фаолият юритишини таъминлайдиган субъектлар, ресурслар ва воситалар, моддий-техник, молиявий, ташкилий-услубий, ҳуқуқий, ахборот,

<sup>5</sup> Кофнер Ю.Ю. Становление новой экономики в России – зарубежный опыт и национальная стратегия. Патент-Евразия № 2(3), 2012.

<sup>6</sup> The World Bank, UNCTAD Handbook of Statistics 2017, Сельское хозяйство на службе развития. Доклад о мировом развитии. Всемирный банк. 2008, 396 с.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги «Фаол тадбиркорликни ва инновация фаолиятини ривожлантириш учун шароит яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3697-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги «Иқтисодий соҳаси ва тармоқларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3698-сонли қарори.

консультацион хизматлар мажмуаси тушунилиши асосланган (1-расм).



**1-расм. Агросаноат мажмуасида инновацион инфратузилманинг таркибий ўзаро боғлиқлиги<sup>8</sup>**

Шу билан бирга, диссертация ишида агросаноат мажмуасида инновацион инфратузилмани самарали фаолият юритиши учун рақамли технологиялардан фойдаланилиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилган:

Иновацион инфратузилмадан фойдаланишнинг ахборот-таҳлилий ва маркетинг платформасини яратиш, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, инновацион инфратузилма доирасида хизмат кўрсатувчи субъектлар, экспортёрлар, ташқи ва ички бозор сегментлари ҳақида, кадрлар салоҳияти ва бошқа маълумотлар базасини яратиш орқали қиёсий, динамик ва тизимли таҳлил (шу жумладан, онлайн режимида) турларидан фойдаланиш;

минтақада инновацион фаолиятни ахборот ва таҳлилий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш тизимли ва функционал таҳлил (ахборот хизмат-

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан илмий адабиётларни тизимлаштириш асосида тузилган.

ларини таркибий қисмларини акс эттирувчи) асосида амалга оширилди ва ахборот хизматларининг самарадорлигини баҳолаш (3R- result, recourse, rate) усули таклиф этилди. Вилоятнинг агросаноат ишлаб чиқаришида инновацион жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, комплекс ва ягона маълумотлар базасини, шунингдек замонавий ИТ-технологиялар асосида инновацион жараёнларни қўллаб-қувватлашнинг ахборот тизимини шакллантириш мақсадида ҳудудий ахборот-таҳлилий ва маркетинг портали (маркетингни интеграциялашган тизимидан фойдаланиш)ни лойиҳалаштириш зарурлиги асослаб берилди.

Шундай қилиб, ҳудудлар агросаноат мажмуасида инновацион инфратузилмани ривожлантириш уларнинг рақобатбардошлигини ҳамда барқарор ривожланиб боришини таъминлашнинг асосий шартларидан бири бўлибгина қолмай, балки мамлакат ҳудудларининг рақобатбардошлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Диссертация ишининг иккинчи бобида **“Агросаноат ишлаб чиқаришининг рақобатбардошлигини ошириш ва унинг инновацион инфратузилмаси ривожланиши тенденциялари”** номли иккинчи бобида агросаноат ишлаб чиқариши инновацион инфратузилмасини ривожлантиришга тизимли ёндашув, институционал ислохотларни чуқурлаштириш шароитида агросаноат ишлаб чиқариши инновацион инфратузилмасини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва унинг ривожланишига таъсир этувчи ички ва ташқи муҳит омилларининг таъсири таҳлил қилинган.

Муаллифнинг фикрича, бозор муносабатларининг ривожланиши агросаноат ишлаб чиқаришида инновация фаолиятни жадаллаштиришга ёрдам беради:

биринчи навбатда, бозор шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга бўлган қизиқиш сезиларли даражада ошди, бу эса маҳсулотлар сотишдан тушадиган даромаднинг ортишини таъминлайди. Бу потенциал инвесторларни нафақат қишлоқ хўжалиги соҳасида, балки янги технологиялар асосида қишлоқ жойларда кичик саноат корхоналарини ривожлантиришга ҳам жалб этишни рағбатлантиради;

иккинчидан, ушбу қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш катта маблағ талаб қилмайди ва бир-икки йил ичида даромад келтириши мумкин;

учинчидан, юқорида қайд этилган тадбиркорлик фаолияти соҳаси малакали кадрларни узоқ муддатли тайёрлашни талаб этмайди ҳамда меҳнат ва хомашё ресурсларининг асосий қисмини қишлоқ жойларга жойлаштириш имкониятини беради;

тўртинчидан, республика экспорт салоҳиятининг маълум бир қисми агросаноат ишлаб чиқаришига қаратилган бўлиб, бу ташқи иқтисодий фаолиятни янги ташкил этилаётган корхоналарни замонавий, шу жумладан, импорт қилинган ускуналар ва технологиялар билан таъминлаш масалаларини самарали ҳал этишга имкон беради.

Таҳлиллар шундан далolat бермоқдаки агросаноат соҳасидаги инновацион инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий муаммолари

қуйидагиларни ўз ичига олади:

қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш технологияларининг табиий ва об-ҳаво шароитларига кучли боғлиқлиги;

инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш соҳасида малакали мутахассислар етишмаслиги;

аграр соҳага илм-фан ютуқларини етказиш учун аниқ ва илмий асосланган институционал механизмларнинг етарли даражада самарали эмаслиги ва бунинг натижасида инновацияларни ўзлаштиришда сезиларли кечикишлар борлиги.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви билан биргаликда, биринчи навбатда, унинг барқарор иқтисодий ўсиши учун инновациялар талаб қилинади<sup>9</sup>. Муаллифнинг фикрича, аграр иқтисодиётнинг барча тармоқларида барқарор иқтисодий ўсишга ўтиш илм-фан ва техника ютуқларидан фойдаланишни рағбатлантирмасдан, янги технологияларни жорий этиш, агросаноат комплексининг барча фан ва техника соҳалари фан-техника фаолиятини жадаллаштириш имконини бериши мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчилари етишмаслиги Самарқанд вилоятида ҳам мавжуддир. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда замонавий технологияларни ва ишлаб чиқариш миқёсида тежаш афзалликларидан фойдаланиш имкониятларини, шунингдек қайта ишловчиларнинг улар харид қиладиган хомашёнинг сифат кўрсаткичларига таъсир кўрсатиш имкониятларини чеклайди (1-жадвал).

Таҳлиллар шундан далолат бермоқдаки, гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришда деҳқон хўжаликлари улуши Булунғур, Иштихон, Пайариқ туманларида 95,2% дан 98,8%, сут ишлаб чиқаришда Булунғур, Иштихон, Каттакўрғон, Нарпай туманлари улуши 97,2 % дан 97,7 % гачани ташкил қилди. Шу сабабли Самарқанд вилояти агросаноат мажмуасида инновацион инфратузилмасини шакллантириш учун институционал муҳитни ривожлантиришда майда товар ишлаб чиқарувчиларга алоҳида эътибор бериш керак.

Натижада, муаллифнинг фикрича агросаноат мажмуасида фан-техника маҳсулотлари бозорини яратиш учун зарур бўлган асосий шартлар қуйидагилардир:

юқори малакали илмий ходимларни етарли миқдорда тайёрлаш ва уларнинг ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича кўникмаларини шакллантириш;

фан-техника маҳсулотлари ва хизматларни ишлаб чиқарадиган ташкилотлар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш;

агросаноат ишлаб чиқариш талабларини максимал даражада ҳисобга олган ҳолда илмий тадқиқот муассасаларининг фаолиятида зарур даражадаги мустақилликни таъминлаш ва хизматлар бозорига мослашиш механизмларини яратиш;

---

<sup>9</sup> Отажонов Ш.И. Повышение эффективности организационно-экономических механизмов управления инфраструктуры инновационной деятельности. – Т.: Авт. дисс. д.э.н. (DSc), 2018. – с.77.

**Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб  
чиқариш таркиби (2019 й.)<sup>10</sup>**

Туманлар	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари					
	Гўшт (тирик вазн, тн)	Дехқон хўжаликлари улуши, %	Сут (тонна)	Дехқон хўжалик- лари улуши, %	Тухум (минг дона)	Дехқон хўжа- ликлари улуши, %
Булунғур	19343,1	98,8	81584,9	97,7	49199,4	83,7
Жомбой	15043,6	53,2	81681,1	86,9	132984,5	637
Иштихон	19528,2	96,5	122309,0	97,2	65034,1	94,8
Каттакўрғон	38629,7	83,8	145057,5	96,8	53738,5	61,8
Қўшробот	17166,5	96,2	58828,6	94,0	23671,4	88,1
Нарпай	6776,8	91,2	79554,8	94,0	24485,2	93,4
Нуробод	14824,1	89,1	43349,8	89,7	19612,4	72,0
Оқдарё	11004,7	83,2	60988,4	78,8	77667,6	13,6
Пайариқ	16031,8	95,2	129847,7	90,4	79554,3	82,9
Пастдарғом	22146,0	88,2	120688,1	91,8	67932,0	56,0
Пахтачи	13979,7	98,1	63543,7	91,7	32203,4	94,4
Самарқанд	27063,9	43,0	52321,1	92,1	514017,3	23,7
Тайлоқ	33814,2	37,5	98047,1	74,9	69430,4	56,8
Ургут	36119,9	99,3	118699,1	96,4	69839,6	75,6

ишлаб чиқарувчида ҳам, истеъмолчида ҳам инновацион маҳсулотларни амалиётга жорий этишда ўзаро манфаатдорликни шакллантириш;

инновацияларни жорий этишни жадаллаштириш учун махсус тижоратлаштириш институтларини ривожлантириш (diffusion of innovation) ва технологиялар трансферти (Technologie transfer und Innovations management) марказларини ташкил қилиш;

илмий ва инновацион тузилмаларни моддий ва техник жиҳатдан юқори даражада таъминлаш, инновацион маҳсулотлар ва хизматларни бозорга олиб чиқиш ва кенг тарғиб қилиш имкониятларини амалга ошириш;

инновацион маҳсулотлар бозори фаолиятининг иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш, жумладан, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, нарх-наво, солиққа тортиш, молиялаштириш, суғурталаш ва кредитлаш масалаларини ҳал қилиш, барча бозор иштирокчилари ўртасида рағбатлантирувчи муносабатларни ўрнатиш.

Юқорида баён этилган ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда, диссертация ишида, ҳудудлар инновация фаоллигини оширишга тўсқинлик қилувчи омилларни тадқиқ этиш нафақат фаолиятнинг ушбу соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш учун, балки инновация лойиҳаларини баҳолаш ва танлаб олиш ишларини амалга ошириш, шунингдек агросаноат соҳасини инновация фаолиятини ривожлантиришга ва таркибий ўзгаришларнинг самарадорлигини

<sup>10</sup> Статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

оширишга ундовчи амалий рағбатлантирувчи омиллар тизимини яратиш учун ҳам илмий ва амалий аҳамиятга эга. Самарқанд вилояти агросаноат мажмуасида инновацион хизматлар кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни аниқлашда SWOT-таҳлил усулидан фойдаланилди (2-жадвал).

2-жадвал.

**Самарқанд вилояти агросаноат мажмуаси (АСМ)да инновацион инфратузилмасини ривожлантиришни SWOT таҳлили<sup>11</sup>**

<b>Кучли томонлари:</b>	<b>Имкониятлари:</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- агросаноат мажмуасида минтақавий инновацион жараёнларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши</li> <li>- АСМ да ИТТКИнинг қатор соҳаларида юқори фан-техника салоҳиятининг мавжудлиги (Самарқанд Қишлоқ хўжалиги институти, илмий тадқиқот ташкилотлари ва ҳ.к.);</li> <li>- АСМ таркибида экспортга йўналтирилган тармоқлар улушининг ижобий ўсиш динамикаси;</li> <li>- таълим хизматлари бозорида рақобат шароитларига мослаштирилган таълим тизимининг салоҳияти (асосий босқич, қулайлиги, қамрови кенглиги, касб-хунар коллежлари мавжудлиги)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- хорижлик инвесторлар ва ҳамкорларнинг АСМ соҳасидаги минтақавий инновацион лойиҳаларда иштирок этиши;</li> <li>- АСМ тармоқларини модернизация қилиш учун импорт технологиялар трансферти механизмида олимларнинг иштироки;</li> <li>-минтақаларда инновацияларни тижоратлаштириш, инновацион марказларни ташкил этиш бўйича хизматларни ривожлантириш;</li> <li>-агросаноат мажмуида (АСМ) инновацион хизматлар инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида кооперацияни ривожлантириш;</li> <li>-молиявий хизматлар инфратузилмасини ривожлантириш учун имконият (ш.ж. венчурли молиялаштириш орқали)</li> </ul>
<b>Заиф томонлари:</b>	<b>Таҳдидлар:</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- АСМ соҳасида инновацион хизматлар инфратузилмасининг ривожланиш даражаси пастлиги;</li> <li>- АСМ соҳасида ахборот-коммуникация хизматларини ривожлантиришнинг етарли эмаслиги ва ахборот тармоқларининг заифлиги;</li> <li>- бозор шароитларига аграр фанларнинг заиф мослашуви;</li> <li>- технологияларни тижоратлаштириш соҳасида консалтинг хизматлари соҳасида мутахассислар етишмаслиги;</li> <li>- АСМ соҳасида инновацион хизматлар инфратузилмасини ривожлантиришда хусусий сектор ва инвестицияларнинг даражаси пастлиги;</li> <li>- аграр бизнес томонидан маҳаллий инновацион маҳсулотларга талаб пастлиги;</li> <li>-кластер тизимида хизматлар соҳасининг етарлича ривожланмаганлиги</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>-ташқи ва ички бозорда АСМ тармоқларининг рақобатбардошлиги камайиши;</li> <li>-таълим хизматларини айниқча АСМнинг инновацион соҳасида ривожлантириш даражасини етарли эмаслиги;</li> <li>- селекция ва чорвачиликда, ҳосилдорлик ва маҳсулдорликда, агротехника ва ҳ.к.да сифатнинг пасайиши;</li> <li>- импорт қилинувчи уруғлар, кўчатлар, чорва моллари ва агротехнологияларнинг устуворлиги, АСМ соҳасида сифатли хизматларга талаб ўсишига олиб келади;</li> <li>-экспорт фаолиятида консалтинг хизматларини кўрсатиш тажрибаси етишмаслиги;</li> <li>-маркетинг хизматлари даражаси ва йирик бозорлар билан барқарор иқтисодий алоқалар етарли эмаслиги;</li> <li>-интеграциялашган ахборот тизимлари етишмаслиги ва АСМ соҳасида интернет-хизматлардан фойдаланиш</li> </ul>

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан тузилган/

Инновацион инфратузилмани ривожлантиришнинг SWOT-таҳлилини муваффақиятли қўллаш учун хавфларни ва имкониятларни аниқлабгина қолмасдан, уларни ҳар бир аниқланган таҳдид ва имкониятни хатти-ҳаракатлар стратегиясида кўриб чиқиш қанчалик муҳимлиги нуқтаи назаридан уларни баҳолашга ҳаракат қилиш керак.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида агросаноат мажмуасида амалга оширилаётган давлат фан-техника сиёсати илмий салоҳиятни сақлаб қолиш ва унинг янада ривожланишини таъминлаб бериш, миллий ва ҳудудий инновацион тизимларни шакллантириш, аграр иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилди.

Мана шундай долзарб муаммоларни муваффақиятли равишда ҳал этиш инновацион хизматлар инфратузилмасини яратиш ва ривожлантиришни таъминлайдиган механизмларни (кластер механизми, хусусий-давлат шериклик, венчур капитали, инновацион технологиялари трансфери, лойиҳавий бошқарув<sup>12</sup> ва б.) такомиллаштириш билан боғлиқдир.

Диссертация ишининг учинчи бобида **“Агросаноат ишлаб чиқаришнинг инновацион инфратузилмасини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари”** Самарқанд вилояти агросаноат мажмуасида инновацион хизматлар инфратузилмасини ривожлантириш учун институционал муҳитни шакллантиришнинг истиқболли йўналишлари кўриб чиқилди, инновацион технологиялар трансфери (transfer) самарадорлиги ва унинг минтақада инновацион инфратузилма билан ўзаро боғлиқлиги баҳоланди, агросаноат ишлаб чиқаришида кластерларни ривожлантириш тизимида инновацион инфратузилмани шакллантиришнинг асосий йўналишлари аниқланди.

Диссертация тадқиқотида олиб борилган таҳлиллар натижаларига кўра, агросаноат ишлаб чиқаришида инновацион инфратузилмани ривожлантиришни чекловчи қуйидаги шартлари аниқланди:

инновацион инфратузилма субъектлари ўртасида инновацион хизматлар бозорининг ишлаш меъёрларини тартибга солувчи самарали, яхши ташкил этилган тизимнинг йўқлиги;

янги технологиялар ва инновациялар учун ички бозорда чекланган тўлов қувватига эга бўлган талаб, шу билан бирга қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга ўрта ва узок муддатли истиқболда эҳтиёжнинг мавжудлиги;

инновацион лойиҳалар инфратузилмасининг алоҳида қисмларини қўллаб-қувватлаш учун махсус молиявий механизмларнинг, айнан, хавфларни молиялаштириш жамғармалари (Venture capital), бизнес ва интеллектуал мулкни баҳолаш, инновацион инвестицияларни суғурталаш, юқори технологияли ускуналар ва қишлоқ хўжалиги техникасидан самарали фойдаланишда инжиниринг хизматлари етарли даражада ривожланмаганлиги;

аграр илм-фанни ривожлантиришнинг давлат томонидан белгиланган

---

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида лойиҳавий бошқарувни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. № ПК-3175 07 август 2017 й. ва б.




устувор йўналишларини амалга ошириш механизмлари самарадорлиги пастлиги. Натижада, бюджет маблағларининг таксимланишидаги ва фаннинг истиқболли йўналишлари бўйича тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш сарф-харажатлари етарли эмаслиги агросаноат ишлаб чиқаришининг рақобатбардошлигига салбий таъсир этаяпти;

минтақанинг агросаноат ишлаб чиқаришида инновацион хизматлар инфратузилмасини ривожлантиришда илмий ташкилотлар, таълим муассасалари ва товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳамкорлик алоқаларининг заифлиги;

инновацион менежментнинг замонавий шаклларини ва инновацияларни тижоратлаштириш (инновацион хизматлар инфратузилмасини ривожлантириш орқали) етарли даражада такомиллашмагани;

минтақанинг агросаноат соҳасидаги консалтинг хизматлари бозорининг ривожланиш даражаси пастлиги, биринчи навбатда, маҳсулотни сотиш (ички ва ташқи бозорларда) учун ахборот технологиялари ва маркетинг хизматларидан етарли даражада фойдаланмаслик, шунингдек, инвесторлар (хорижий ва хусусий) учун инвестицион муҳит бўйича маълумотларнинг етишмаслиги.

Демак, шунини хулоса қилиш мумкинки, минтақанинг агросаноат ишлаб чиқаришида инновацион фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи омилларни ўрганиш инновацион лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш, инновацион инфратузилмани ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлашда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга (2-расм).



**2-расм. Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилояти бўйича инновацион фаолиятни чекловчи омилларнинг қиёсий таҳлили<sup>13</sup>**

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси материаллари асосида муаллиф томонидан тузилган.



Самарқанд вилоятидаги респондентларни фикрига кўра, инновацион фаолиятни чекловчи энг муҳим омил сифатида инфратузилма ривожланмаганлиги белгиланди – 22,2% (Ўзбекистон Республикасида бу кўрсаткич 14,6% ташкил этади). Омиллар ўртасида, Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилояти бўйича респондентларнинг 16,7 %и инновацион фаолиятда малакали мутахассисларнинг етишмаслигини қайд этганлар (инновацион менежмент, инновацион технологияларни тижоратлаштириш, маҳсулот ва хизматларни ташқи ва ички бозорларга илгари суриш, лойиҳани бошқариш ва бошқалар).

Тадқиқот натижаларига кўра, Самарқанд вилояти агросаноат мажмуасида инновацион инфратузилмани ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари асосланди, жумладан:

технологиялар трансфери (transfer) соҳасида хизматларни амалга ошириш (консалтинг, инновацион маҳсулотлар ва хизматларни патентлаш ва лицензиялаш, инновацион лойиҳаларни баҳолаш ва бошқалар) бўйича имкониятларни баҳолаш ва уларни амалиётга жорий қилиш инфратузилмасини шакллантириш (масалан, Аргентина, агар 5-6 илмий тадқиқот ташкилоти мавжуд бўлса, қишлоқ худудларида бир неча баравар кўп инновацияларни жорий қилиш бўйича тажриба станциялари мавжуд). Деҳқон хўжаликлари учун инновацион хизматлар кўрсатиш алоҳида аҳамиятга эга (Самарқанд вилояти деҳқон хўжаликлари 2019 йилда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини 63,7% ишлаб чиқарди, шу жумладан бу кўрсаткич Пахтачи туманида 77,9%, Қўшробот туманида 86,6% ва Нуробод туманида 74,5 %ни ташкил қилди).

